

Рўзадор қон олдирса бўладими

05:17 / 04.06.2017 7189

Савол: мухтарам устоз! биз қон олдирса рўза бузилмайди деб эшитгандик, лекин яқинда бир марузада бузилади дебди. Устоз рўзадор одам қон олдирса рўзаси очиладими? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.

Жавоб: [Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф](#)

Абу Саъийд ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уч нарса рўзани очмайди: «қон олдириш, қусиш ва эҳтилом бўлиш», - дедилар».

Имом Термизий ривоят қилган.